

А Ж Р И М

2022 йил 25 март куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича, Судлов хайъати судьяси: Д.Халиқназарова, И.Куканбаевнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори В.Одилов, ҳимоячи А.Солиевларнинг иштирокида, А.Сотволдиев ва бошқаларга оид жиноят иши бўйича ҳимоячи А.Солиевнинг апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномаси асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2016 йил 27 ноябрдаги ҳукмига кўра, А.Сотволдиев Ўзбекистон Республикаси 97-моддаси 2-қисми “и,п” бандлари билан 17 йил, 164-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан 10 йил, ЖКнинг 59-моддаси 3-қисми тартибида 18 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят кассация судлов хайъатининг 2018 йил 4 декабрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ҳимоячи А.Солиев ўтказиб юборилган муддатни тиклашни сўраб илтимоснома киритганлиги, аммо шу бўйича жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судини кассация инстанцияси 2018 йил 4 декабрдаги ажрими мавжудлигини маълум қилиб, берган илтимосномасини кўрмасдан қолдиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁰-моддасида, ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ёки протестини қайтариб олишга ҳақли эканлиги;

Олий суди Пленумининг 2021 йил 20 апрелдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорининг 9-бандида, ЖПК 497¹⁰-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти (протести) берган шахс ўз шикояти (протести)ни қайтариб олиш ҳуқуқига эгаллиги, қонун мазмунига кўра, апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунга қадар қайтариб олиниши мумкинлиги, бундай ҳолда суд апелляция шикоятини (протестини) қайтариб олган шахсга нисбатан апелляция тартибида иш юритишни тугатиши белгиланган.

Шу сабабли, ҳимоячи А.Солиевнинг апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш бўйича илтимосномасини кўрмасдан қолдириш лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497⁵-моддасига амал қилиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ҳимоячи А.Солиевнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномаси қайтариб олингани сабабли иш юритиш тугатилсин.

Раислик қилувчи

Д.Халиқназарова



Ҳужжат имзолаган: Халикназарова Дилноза Анваровна, 24.03.2022

